

**№ S/2 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***№ S/2 (3)-2023***

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайтов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоэвна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлифи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азamat Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 - ТАРИХ ФАНЛАРИ

**Рахманова Мавлуда Эркин қизи**

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ  
СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ..... 9-16

**Икромжонов Акмалжон Махмуджонович**

ФАХРУДДИН ЎЭЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ ..... 17-25

**Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли**

ТУРКИСТОН ЛЕГИОННИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН ..... 26-34

**Хамирова Дилфуза Улуғбек қизи**

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОХИДА ..... 34-41

**Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli**

SULTON RAXMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI ..... 42-49

**Махмудов Махмуд Авазович**

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОЙ  
ТАБАҚАЛАШУВИ ..... 50-58

**Mamatov Bektosh Tolibjon o`g`li**

YALANGTO`SH BAHODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR ..... 59-66

### 08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

**Muminova Elnoraxon Abdulkarimovna**

“YASHIL” IQTISODIYOTGA O’TISHNING XORIJY TAJRIBALARI ..... 66-75

**Файзуллоев Мирсаид Шухратович**

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ  
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ ..... 76-85

**Кахарова Нилюфар Эркинжоновна**

OKR МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҶИДА ТУШУНЧА, МАҶСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН  
КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР ..... 86-91

**Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич**

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 92-99

**Raxmonov Mirvoxid Rajabovich**

HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI  
EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ..... 100-107

**Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич**

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҶАМЛИ  
ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 108-115

**Тоштемиров Шоҳруҳ Тошпўлатович**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ ..... 116-120

<b>Насимов Равшанжон Азимович</b>	
МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....	121-130
<b>Nabieva Nilufar Muratovna</b>	
MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
<b>Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович</b>	
КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ .....	140-148
<b>Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li</b>	
TO'G'RIDAN – TO'G'RI XORIJIY INVESTITISIYALARINI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
<b>Yusupov Farruxbek Farxodovich</b>	
O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XİZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
<b>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</b>	
KİCHIK BİZNES KORXONALARIDA MOLİYAVİY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSİYATLARI .....	163-172
<b>Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи</b>	
ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ .....	173-179
<b>Насимджанов Юнусжон Зоҳидович</b>	
МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИГИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	180-187
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Ҳакимов Акмалжон Мирзаганиевич</b>	
ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ .....	188-192
<b>Холмирзаев Нодиржон Низомжонович</b>	
УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	193-198
<b>Boboqulov Abror Abdig'ani o'g'li</b>	
"OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT" TIL MODELINING FALSAFIY TAHLILI .....	199-204
<b>Ялгашев Бунёд Махмудович</b>	
САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУХЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ ТАРЗИ .....	205-213
<b>Safarov Maqsudali</b>	
ABU BAKR AR-ROZIYNING "TIBBI RUHONIY" (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G'AZABNI VA INSONNING O'Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR .....	214-219
<b>Сохибова Лола Жонибоевна</b>	
ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ .....	220-224

<b>Адашова Махсума Махмудбоевна</b>	
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОХИДА.....	225-231
<b>Mukhammediyarova Akhmaral</b>	
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM .....	232-239
<b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon</b>	
FRAZEOLGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY MA'NOLARI.....	240-245
<b>Surmilova Elena</b>	
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING .....	246-252
<b>Олимова Диляфрузхон Бахтиёржон қизи</b>	
ТИЛШУНОСЛИКДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....	253-257
<b>Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna</b>	
XITOY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO'LIQLOVCHISI (结果补语).....	258-262
<b>Azzamov Yusufjon Radjaboy o'g'li, Jo'rayeva Xayriniso Shavkat qizi</b>	
EKOJURNALISTIKANING QO'LLANILISH KATEGORIYALARI .....	263-268
<b>Fillipova Olga Igorevna</b>	
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....	269-278
<b>Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi</b>	
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”.....	279-285
<b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<b>Ильясов Баходир Ильясович</b>	
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MEXANIZMI VA UNING RIVOJLANISH YO'LLARI .....	286-293
<b>Чориева Хуршидабону Хуррам қизи</b>	
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ .....	294-299
<b>Хаётов Анвар Хусанович</b>	
ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИННИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ .....	300-307
<b>13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Журабекова Хабиба Мадаминовна</b>	
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ .....	308-315

**Tursunova Aziza Xoshimovna**

WEB TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR  
YARATISH USULLARI ..... 316-321

**Oblanazarov Faxriddin Asadovich**

FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN-  
QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH ..... 322-329

**Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna**

IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING  
O'RNI ..... 330-335

**Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li**

MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA  
OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI ..... 336-342

**Jurayev Bobomurod Tojiyevich**

SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI ..... 343-350

09.00.00-Фалсафа фанлари

**Ялгашев Бунёд Махмудович**  
ЎзМУ тадқиқотчиси

## **САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ ТАРЗИ**

**Аннотация.** Мазкур маолқада Самарқанд воҳасида қадимдан яшаб келган туркий ва туркий бўлмаган қабилаларнинг тарихи, уларнинг воҳадаги турмуш тарзи ҳамда уларнинг ўзаро маданий алоқалари таҳлил қилинган. Шунингдек, бугунги кундаги Самарқанд воҳаси этномаданиятида ўзининг маданий ва ижтимоий таъсирини сақлаб келаётган тожик ва эроний миллатларининг тарихи ва маданияти ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Зарафшон воҳаси, сўғд, ос, алон, найман, мангит, қўнгирот, вахтамғали, тожик, эроний.

**Ялгашев Бунёд Махмудович**  
научный сотрудник УзМУ

## **ПРОИСХОЖДЕНИЕ ЭТНИЧЕСКИХ ГРУПП САМАРКАНДСКОГО ОАЗИСА И ИХ ОБРАЗ ЖИЗНИ**

**Аннотация:** В данной статье анализируется история тюркских и нетюркских племен, их образ жизни в оазисе, их взаимные культурные связи. Также были изучены история и культура таджикского и иранского народов, которые и сегодня сохраняют свое культурное и социальное влияние в этнокультуре Самаркандинского оазиса.

**Ключевые слова:** Зерафшанский оазис, согд, ос, алон, найман, мангит, кунгират, вактамгали, таджик, иран.

**Yalgashev Bunyod Makhmudovich**  
Researcher of UzMU

## **ORIGIN OF THE ETHNIC GROUPS OF THE SAMARKAND OASIS AND THEIR WAY OF LIFE**

**Annotation:** This article analyzes the history of the Turkic and non-Turkic tribes, their way of life in the oasis, their mutual cultural ties. The history and culture of the Tajik and Iranian peoples were also studied, which today retain their cultural and social influence in the ethnic culture of the Samarkand oasis.

**Keywords:** Zerafshan oasis, sogd, os, alon, naiman, mangit, kungirat, vaktamgali, tajik, iran.

**DOI:** <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N26>

### **Кириш**

Жаҳондаги барча халқлар ва элатлар мураккаб этник жараёнларни бошдан кечирганлар. Чунки ҳар бир этнос узоқ тарихий давр давомида турли элатлар билан алоқада, баъзан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, бошқа этнослар билан аралашиб,

уларни ўзига сингдириб ёки таркибий қисм қилиб олиш натижасида шаклланган. [7; 10-б.] Марказий Осиё халқларининг этногенезиси мураккаб ва қўп қатламли бўлиб, у ушбу ҳудуднинг тарихий ономастикасида ўз аксини топган. Марказий Осиёда яшовчи ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқларнинг шаклланишида умумий қадимий этномомик компонент мавжуд бўлиб, унинг баъзи белгилари ҳозирги давргача сақланиб қолган. [12; 38-б.]

Ўзбек халқи этник бирликлари ҳам асрлар давомида шу тахлит ривожланиб келган. Ушбу жараён Зарафшон воҳасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Воҳада этник бирликлар яшаш тарзига кўра қурама жойлашган. Ҳар бир этник гуруҳ ўзига хос миллий маданияти, урф-одати, хўжалик машғулоти ва қўп асрлик тарихига эга. Зарафшон Ўрта Осиёning марказий қисмида, Туркистон-Оқтов билан Зарафшон тизмалари орасида жойлашган кўндаланг водий ҳисобланади. Ўрганилаётган ҳудуд асосан бугунги кундаги Самарқанд вилоятига тўғри келади.

### **Материал ва методлар**

Археологик маълумотларга кўра, Зарафшон водийси тош давриданоқ ибтидоий аждодлар томонидан ўзлаштирилган. Бунга водийнинг серунум тупроғи, мўътадил иқлими ва яшаш учун қулай шароити сабаб бўлган. Ургут тоғларидағи Омонқўтон, Булунғур туманидаги Қўтирулук, Нарпайдаги Зирабулоқ, Самарқанд шаҳридан топилган ибтидоий одамлар манзилгоҳларини келтириш мумкин. Қолаверса, Зарафшон водийсининг бир неча жойларида бронза даври манзилгоҳлари ҳам мавжуд.

Маҳмуд Кошғарий (XI аср) ўзининг «Девони луготит турк» асарида Афросиёб ва Самарқанд ҳақида қуйидагича ёзади: «Туркларнинг улуғ хони Афросиёбни Тунга Алп Эр деб атар эдилар. Йўлбарс каби кучли, баҳодир одам демакдир» Қанд-ўғизлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ, кўпчилик турклар наздида эса вилоятдир. Шунинг учун Фарғонани Ўзкент – ўз шаҳrimiz дейдилар. Самарқандни катталиги учун Семизқанд – семиз шаҳар дейдилар. Буни форсийлар Самарқанд тарзида қўллайдилар». Яна бир жойда: «Самарқанд энг эски шаҳардир. Унинг асл номи Семизқанд – катта шаҳар демакдир», – деб ёзади. «Девон»нинг биринчи жилдида Баласоғун шаҳрини таърифлар экан, муаллиф қуйидагиларни ёзади: «Баласоғун энг катта шаҳарлардан бири эди. Халқи ҳам туркий, ҳам суғдча сўзлашур эди. Эски номлари Кўз урду ва Кўз улус. Бухоро, Самарқанддан кўчиб борган суғдоклар Баласоғунда жойлашиб қолган ва туркийлашиб кетган эдилар». Кўринадики, туркийлар, жумладан, ўзбеклар жуда қадимги халқлардан ҳисобланади. [15; 36-б.]

Самарқанд аҳолисининг этник таркиби бир неча хилма-хил қатламлардан келиб чиққан бўлиб, уларнинг энг қадимиylари сўғдлар бўлиб, уларнинг тили эроний гуруҳига мансуб. Бу ерда ўз тилларини ўтқазган бошқа этник гуруҳлар вакиллари – араблар, мўғуллар, туркий кўчманчилар шаҳарни бир неча бор босиб олишларига қарамай, самарқандликлар ўз аждодлари тилини сақлаб қолишга ва ҳимоя қилишга муваффақ бўлдилар.

Самарқанд вилояти этноним ва этноийконимларининг таҳлили билан шуғулланган А.Турабов маълумот беришича, Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг қадимги шарқий эрон тил гуруҳига мансуб ҳалқ номи билан аталган Сўғд, Сўғдиёна, Сўғдиён жой номлари мавжуд бўлган. [13; 51-б.]

Сўғд этноними ҳақида олим Ҳ.Ҳасанов шундай ёзади: “Сўғд – бу .....

- 1) Сўғдиёна – умуман Зарафшон водийси;
- 2) Сўғдни икки районга бўлганлар: Сўғди Бухоро / Бухоро ва Қашқадарё водийси ва Сўғди Самарқанд (Самарқанднинг шарқий қисми);
- 3) Сўғд дарёси – Зарафшон". [17; 81-б.]

Сўғдийларнинг асоси сакларнинг кўчманчи ва ўтроқ қабиласидан иборат бўлган. Сўғдийлар Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаларидағи тарихий вилоятда яшаганлар. Турли урушлар ва босқинчиликлардан сўнг, XI асрга келиб, Еттисувда яшаган сўғдийлар туркий халқларнинг кийим-кечак ва урф-одатларини қабул қилганлар. Улар ҳам сўғдий, ҳам туркий тилда сўзлашганлар. Кейинчалик сўғдийлар туркий этник муҳитга сингиб кетиш жараёни юз берган.

Айрим ёзма манбалардан маълум бўлишича, Самарқанд этномаданиятини шаклланишида туркий қавмлардан бўлмаган **ослар**, алон қабилалари ўз ҳиссаларини қўшган. Шунингдек, сўғд, массагет, сак қабилаларининг бир-бири билан араласиб кетганлиги маълум. Тарих саҳнасидан тушиб кетган бу этник гурухлар ўтмиш Самарқанд воҳа маданиятини яратишда иштирок этган.

Хусусан, ос қабиласи ҳақида биринчи бўлиб, Абу Райҳон Беруний асарларида маълумот бериб ўтилган. Алон ва ос қабилалари эрон халқлари уруғидан бўлиб, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари таркибида учрайди. Худди шу маълумотни этнолог С.Байчаров томонидан тасдиқланади. Унинг маълумотига кўра, Амударё ўз оқимида тўсиқларга учраб, чап томонга – қипчоқлар юртига оқа бошлагач, бу ерда яшовчи аҳоли Ҳазар денгизи қирғоқларига кўчиб ўтган. Унинг ёзишича, бу қабилалар алон ва ос этнослари бўлган. Топоним этник ном асосида шаклланган. Ос (ас) - туркий бўлмаган қабилалардан бири, яъни эрон халқлари вакиллари эди [2; 279-289-с.], лекин ўзбек ва қорақалпоқ халқлари этник гурухларида ҳам учрайди. Бундан ташқари, олим В.Радлов Ос этненимининг шаклланиши ва келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжудлигини таъкидлайди. Яъни, баъзи тадқиқотчилар ёзганидек, "Ос - осетин халқининг авлодлари бўлган алланлар қабиласининг номидир" – деб ёзади. [10; 533-с.]

Шунингдек, Самарқанд воҳаси этномаданиятига ўз ҳисссасини қўшган **alon** қабиласи II – IX асрларда Қуи Волга, Жанубий Ўрол, Дон, Шимолий Каспийда яшаган. **Алон** қабиласи Ҳинд-Европа тилларининг Эрон тармоғига мансуб тилда сўзлашган. Алонлар IV асрда хунлар, VI асрда аварлар томонидан қаттиқ зарбага учрайди. Уларнинг бир қисми Ғарбий Европа ва Шимолий Африкага бориб ўрнашади. VII-X асрларда Ҳазар подшоси ҳукмронлигига бўлади. Бу даврда алонлар Ҳазар ҳоқонлиги, Византия ва Араб халифалигига қарши курашади. Шу даврда алонларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган. Алонлар осетин ҳалқининг бевосита аждоди бўлиб, улар Шимолий Кавказнинг маҳаллий аҳолиси этногенезисида ҳамда маданиятининг вужудга келишида муҳим рўл ўйнаган.

### **Муҳокама**

Ҳозирги кунда Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилояти бўйлаб, Махмуд Қошғарий ўз асарида таъкидлаб ўтилган 92 ўзбек қавмининг деярли барча уруғлари истиқомат қилишади. Зарафшон (Миёнқол) воҳаси ўзбек халқи этник гурухларининг шаклланиш тарихини ўрганган тадқиқотчи Н.Элмуродовнинг маълумотига кўра, бу уруғларнинг туманлар кесимида тарқалиши ва уруғ номларининг этиологияси таҳлилига кўра найман уруғи ўн уч туманда, туркман, хўжа ва эшонлар тўққиз туманда,

манғит ва хитой уруғлари саккиз туманда, қипчоқ, сарой, баҳрин, беклар этник гурухлари еттита туманда, минг, барлос, қирқ этник гурухлари олтита туманда, туёқли, мўйтган этник гуруҳи бешта туманда, бурқут, араб, қиёт этник гурухлари тўртта туманда истиқомат қилишади. [16; 51-53-б.]

Шунингдек, қорақалпоқлар ҳам беш аймоқ (қорақўйли, қора сингир, оймовут, истек, очамайли)дан иборат бўлиб, уларнинг бир қисми Самарқанднинг шимолида Оқтепада яшашади.

Найманлар Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилоятининг қарийб 10 дан ортиқ туманида истиқомат қилиб келаётган энг катта этник бирлик ҳисобланади. М.Йўлдошев ўзининг «Найманми ёки най биланми?» номли мақоласида қуйидаги фикрларни билдиради: «Найман» сўзининг маъноси икки хил таҳлил қилинади: биринчиси мўғул тилидан олинган бўлиб, «саккиз» сонини ифодаласа, иккинчиси қадими туркий тилдан олинган бўлиб, «най-одам», «ман» эса эгалик қўшимчасидир.

Бунда асосан биринчи фикр устувордир. Чунончи, В.Бартольд, И.Бередин каби олимлар найманларнинг этногенезини мўғуллар билан боғлайдилар. С.Амонжолов ва Н.Аристов эса найманларни турк деб ҳисобладилар. Бунга сабаб, қадимги шарқ қўлёзмаларида ҳамда Ўрхун ёзувларида «саккиз ўғиз» қабила иттифоқи тилга олинади: тахминан X аср ўрталарида мўғул уруғига мансуб бўлган халқлардан бири киданлар саккиз ўғизлар деб аталган туркий қабилани босиб олганлар ва мўғул бўлмаган бу қабила бирлигини «найманлар», яъни «саккиз ўғизлар» деб атай бошлаганлар.

Абулғозий Баҳодирхон ўзининг «Шажараи турк» асарида найманларни қадими халқ сифатида эслайди.[1; 36-б.] XII асрнинг охирида Чингизхон найманларга қарши ҳужум бошлайди ва 1206 йилда найманларнинг Кучлук давлатини тугатади. Ерлари босиб олинган найманларнинг катта бир қисми мўғулларга тобе бўлади ва ўзларининг эски жойларида – Олтой, Иртиш дарёси бўйларида қолади. Кейинчалик найманларнинг катта қисми Хоразм ва Мовароуннаҳрга кўчиб ўрнашганлар. Бу этник гурухнинг аксарияти Зарафшон дарёси ирмоқлари бўйлаб жойлашган.

Найманларнинг асосий қисми буғунги кунда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Ургут, Пайариқ, Оқдарё, Каттақўрғон, Нарпай, Иштихон, Пахтачин, Қўшработ, Нуробод туманлари, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида истиқомат қиласади.

Шунингдек, Зарафшон воҳасида кенг тарқалган этник гурухлардан яна бири манғитлар ҳисобланади. Манғитлар – йирик қабилалардан бири. Ўзбекистон худудида яшовчи манғитлар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойғунди манғит. Бундан ташқари, яна темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит қозоқ, ўн икки чўқай, гала ботир, бешкал, чобакчак, уз, уволай ва бошқа уруғлар ҳам бўлган. Буғунги кунда манғитлар Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон, Нуробод, Қўшработ ва Ургут туманлари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатларида бирмунча фарқлар мавжуд.

Зарафшон дарёсининг ўрта оқими, буғунги кундаги Иштихон, Оқдарё, Пайариқ ва Қўшработ туманларида қўнғирот, қипчоқ, туркман, жалойир, найман, манғит, туёқли этник бирликлари нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Қўшработ тарихи бўйича илмий изланишлар олиб борган А.Мамановнинг ёзишича, Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманида яшаётган туркий қабилаларни рус олимлари ўзбек туркманлари ёки Нурота туркманлари деб аташган. Улар Кўшработ ҳудудларига Нурота орқали кириб келишган. Чунки уларни туркманлар деб бўлмайди. Чунки тили, антропологик тузилиши ва этник таркиби жиҳатидан туркманлардан тубдан фарқ қиласди. Қадимда Нурота ҳудудларида форсийзабон халқлар яшаган. Улар туркий қабилалар келгунча ўтроқлашиб олишган. Туркий қабилалар чорвачилик билан шуғулланганлари сабабли тоғ ёнбағирларига кенг ёйилиб кетишган. Кейинги даврларда туркий қабилаларнинг кириб келиши ва улар билан аралашиб кетиши натижасида ўз қиёфаларини ўзгартиришган. Лекин бошқа ҳудудда яшаётган халқлар қўшработликларни «туркманлар» деб ҳам аташади. [9; 19-б.]

А.Маманов ўзининг “Оқтепа тарихи” асарида келтиришича, ўзбек туркманлари, яъни Нурота туркманлари иккита катта гуруҳга (йигирма тўрт ота ва беш ота манқишли) бўлинади. Бу гуруҳлар ҳам, ўз навбатида, бир неча қабила ва уруғларга бўлинган. Масалан, ғозаёқли, бўгажили, қонжиғали, бароқ ва бошқалар. Муаллифнинг фикрича, уларнинг лаҗжасида «й» ҳарфи ўрнига «ж» ҳарфи ишлатилади. Туман ҳудудида яшаётган аҳолининг бир қисми ўзларини жалойирлар деб аташади. Жалойир элини Қайдухон (Чингизхоннинг еттинчи бобоси Дутумнанхоннинг тўнғич ўғли) сургун қилганидан сўнг улар бу ҳудудларга келиб жойлашганлар. Улар ярим ўтроқ турмуш тарзида кун кечиришиб, асосан чорвачилик, дехқончилик ва хунарманчилик билан шуғулланишган. Бу этник бирликнинг катта қисми Оқтепанинг юқори қисми, Оқтоғ этакларида кенг яйлов бўйлаб жойлашган. У ерлар ҳозир ҳам Жалоир адир деб номланади. Кейинчалик уларнинг бир қисми Оқтепа ҳудудига келиб ўrnашган. Кейинчалик улар Абайтўш, Сувти, Итбўрбой, Гозоёқли, Тувадоқ каби бир қанча майдага уруғларга бўлинниб кетади.

Бизни қизиқтирган жалойир қабиласи этногенези тўғрисида муҳим манбалар сирасига Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих», Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» ва Абулғозийнинг «Шажарайи турк» каби тарихий асарлари киради. Мирзо Улуғбек ва Абулғозий асарида жалойир қабиласининг этногенези ҳақида деярли бир хил маълумотлар учрайди. Ушбу тарихий манбаларга кўра, жалойир қабиласи «соғ» мўғул қабиласидан бўлиб, Дарлакин наслидандир. Дарлакин насли эса Нукуз авлодидир. Нукуз авлодининг келиб чиқиши эса мўғуллар ва тоторлар ўртасидаги жанг ҳамда Аркнакул тоғига боғлаб таърифланади. Хулоса қиласидан бўлсақ, жалойир қабиласи соғ мўғул қабиласи бўлиб, XIII асрнинг 20-йилларида Чингизхоннинг ҳарбий юриши даврида ўлкамизга кириб келган.

Ўзбек халқининг шажара ва шевалари билан шуғулланган Х.Дониёров “Самарқанд вилоятининг Кўшработ ва Пайариқ туманларида қўнғирот уруғи нисбатан кенг жойлашган” – деб ёзади. Қўнғирот сўзининг этимологияси аниқланмаган. Бир фикрга кўра, у «қорақарға» [6; 87-б.], бошқа фикрга кўра, «қўнғир» ва «от» сўзларидан ҳосил бўлган дейилади. Тарихий далиллар ҳар икки фикрни инкор этади. Қўнғирот сўзи, аслида, хунн-чурр-ют сўзларидан ташкил топиб, олдинги икки сўз қабилалар (яъни хунн(хион)лар билан хуррийлар) номини, ют эса ҳам кўплик, ҳам ҳарбий тузилма маъносида тушунилиб, хунн ва хуррларнинг ҳарбий иттифоқи деган маънони

англатади. Иттифоқ номи этник номга айланиб, хунхурот-хунхирот-қўнғирот тарзида ифодаланадиган бўлди.

Маълумотларга қараганда, қўнғиротлар орасида энг катта гуруҳ вахтамғали бўлиб, у 20 та катта уруғга бўлинади. Булар очамайли, баймоқли, тароқли, чиниқли, қазаёқли, чўмичли, қайчили, ишқили, қийғочли, жилонтамғали, болғали, қорақўнғирот, бўгажели, ўювли, хандақли, ирғоқли, абоқли, кесовли, гиламбобли ва ушкили уруғларидан иборат бўлиб, мазкур уруғларнинг кўпчилиги Самарқанд вилоятининг асосан дашт воҳалари бўйлаб жойлашганлар.

Худди шундай маълумотлар, Сурҳондарё худудида қўнғиротларнинг вахтамғали уруғи яшаганлиги тўғрисида бошқа тарихчиларнинг далиллари мавжуд. Хусусан, Б.Кармышева вахтамғали уруғи кўпроқ Шеробод воҳаси, Сурхоннинг қуий оқими, Амударё водийси ва Термиз атрофида, Қоратоғдарё ҳавзасида, Шерободдарёнинг ўрта оқими ҳамда Кўҳитанг тизмасининг шарқий ён бағридаги бир қатор қишлоқларда яшайди. Шунингдек, Б.Х.Кармишевани ёзишича, улар Кўҳитангдарё водийсида ҳам бўлганлигини таъкидлаб ўтади.[8; 94-с.]

Қипчоқлар ўзбек элатининг энг катта ва асосий қабилаларидан бири ҳисобланади. “Равзат-ус сафо”, “Тарихи мулки ажам”, “Шажараи турк” асарларидаги фикрларга асосланиб Н.Басқаков “қипчоқ” сўзининг қипчоқ ёки қипичноқ шаклларини келтириб, у дарахтнинг қобиги ёки каваги маъноси ифодаланишини кўрсатади. [3; 92-94-с.]

Қипчоқлар Самарқанд вилоятининг Булунғур, Каттақўрғон, Пайариқ, Пастдарғом, Жомбой туманларида ўтроқлашиб қолган ҳамда бевосита уруғ номи жой номларига кўчиб ўтган. Масалан, Каттақўрғон туманида Қипчоқ, Қипчоқравот, Жомбой туманида Сариқипчоқ, Пайириқда Челак, Қипчоқ ҳамда Пастдарғом туманида Қорақипчоқ қишлоқлари бунинг ёрқин мисолидир.

Тарихий маълумотларга кўра, хитой-қипчоқлар яшайдиган худудларда Янгиқўрғон, Пайшанба, Даҳбед ва Челак шаҳарлари кирган. XIX асрнинг биринчи ўн йилликларида хитой-қипчоқлар худуди амир ва унинг амалдорларига қарши кураш майдонига айланган. Умумий солиқлар ва йиғимлар ҳамда ҳар хил ҳарбий мажбуриятлар, доимий урушлар аҳолини хонавайрон қилган. Амлоқдорларнинг ўзбошимчалиги кучайиб, 1821 – 1825 йилларда Зарафшон водийсининг ўрта қисмida (Миёнқолда) ўзбек уруғлари ўртасида қўзғолон кўтарилишига олиб келган. Улар «етти қабила» таркибига кирувчи хитой-қипчоқ қабилалари бўлган.

Шунингдек, хитой-қипчоқ уруғи Ўрта Осиёда ўзбеклар ҳамда Қrimдагi нўғойлар орасида ва Кавказ ўлкасида учрайди. Ўрта Осиёда хитой-қипчоқлар биринчи марта XVII асрнинг иккинчи ярмида тилга олинган. Зарафшон водийсида XVII асрда хитой ва қипчоқ уруғи аралашиб кетиб, хитой-қипчоқ уруғини ташкил қилганлар. XIX асрнинг биринчи ярмида хитой-қипчоқларнинг сони тўғрисида ҳар хил маълумотлар бор.

### **Натижা**

Юқорида номлари келтирилган ўзбек халқининг катта бир қисми жуда қадим замонлардан бери Самарқанд воҳаси худудида ўтроқ ҳолда яшаб келган. Воҳада цивилизация тарақкий топиши натижасида уруғлар ўртасидаги ассимляция жараёни юз беради. Аҳолининг шахарлашиш маданияти этник маданиятдан устун кела бошлайди. Натижада воҳа аҳолисида маданиятлар бирлашуви жараёни содир бўла бошлайди.

Этнограф олим Х.Дониёровнинг таъкидлашича, “воҳа аҳолисининг аксарият қисми аллақачонлардир ўзларининг қандай қабила ва уруғларга мансуб эканликларини унтиб юборишган. Фақат дашт ва тоғлик ерларда яшовчи ўзбекларгина ўзларининг қандай қабила ва уруғга мансуб эканликларини яхши билишади”. [5; 63-69-б.]

Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси маълумотларига кўра, бугунги кунда воҳа ҳудудида турли этник миллатлар: ўзбек, тожик, эроний, қорақалпоқ, қозоқ, рус, қирғиз, туркман, татар, корейс, озарбайжон, афғон, украин, белорус, яхудий ва бошқа миллат вақиллари биргалиқда истиқомат қилиб келишмоқда.

Хусусан, 2023 йил ҳолатига кўра таҳлил қиласиган бўлсак, ўзбеклар 3 млн. 858 минг нафарни ташкил этиб, бутун воҳа ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган. Воҳадаги иккинчи катта этник миллат бу тожиклар ҳисобланади. Тожиклар 134 минг 903 нафарни ташкил этиб, асосан воҳанинг шимолий қисми, яъни Тожикистон билан чегарадош туманларда Самарқанд шахрида (82 минг 875 нафар), Самарқанда туманида (35 минг 216 нафар), Ургутда (8 минг 254 нафар), Жомбой туманида (1 минг 322 нафар) ва Тойлоқ туманида (519 нафар) яшаб келишмоқда. Шунингдек, вилоятнинг ғарбий қисмида, яъни, Пастдарғом (3 минг 905 нафар) ва Нуробод туманларида (2 минг 486 нафар) ҳам тожик миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилиб келишади.

“Самарқанд воҳасида тожик миллатининг асосий истиқомат қилувчи ҳудудлари сифатида Тожикистон билан кўшни Самарқанд шахри, Ургут, Тойлоқ, Жомбой туманлари тушунилади” – деб ёзади А.Турабов. Муаллифнинг қўшимча қилишича, бу ҳудудларда тожик миллатига мансуб манзилгоҳ номлари ҳам мавжуд. Масалан, Тожик, Тожиклар, Тожикравот, Тожикнисбат, Тожиковул қишлоқларири. Булар асосан ўзбеклар билан тожиклар қўшни яшайдиган ҳудудларда учрайди. [14; 94-б.]

Шунингдек, воҳадаги дала тадқиқотлари олиб борилганда бугунги кунда Самарқанд шахрида (*Бекҳо, Боғи Сафед, Чармгари, Чилстун, Даҳбедий, Ҳазора, Лоҳутий, Мулиён, Мулиёнipoён, Навбоғчиён, Саттепо, Сўзангарон, Ургути, Ёминий, Заргарепо*), Самарқанд туманида (*Ангаралмос, Чоршанба, Дехнав, Конигил, Кўсаҳо, Ўрташиқ, Қавчинони боло, Ҳаймар боло, Ҳаймарипоён*), Жомбой туманида (*Хитойпоён*), Ургут туманида (*Чорраха, Камангарон, Торинжак, Вағашти, Соӣ Fӯс, Совғон, Калангар*) тожик миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиласиган маҳалла ва қишлоқлар мавжудлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд воҳа аҳолиси қадимдан ўтроқ яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган. Уларнинг аксарияти туркий тилли ҳалқлар ҳисобланган. Улар ўз навбатида воҳада тожиклар, эронийлар, араблар, яхудийлар ва бошқа миллат вакиллари билан биргалиқда истиқомат қилиб келишмоқда. Тожик миллатига мансуб аҳолининг қадим даврлардан буён ўзбек миллати била ёнма-ён яшаб келганликлари тарихий далилалар билан исботланган. Тожик этник миллати келиб чиқиши нуқтаи назаридан эроний тиллар оиласига мансуб бўлсада, Самарқанд, Бухоро вилоятларида истиқомат қилиб келаётган миллат вакиллари маданият жиҳатдан, турмуш тарзидаги кундалик дунёқарашлари жиҳатдан туркий этник гуруҳ вакилларининг маданиятига жуда яқиндир.

Самарқанд тожикларда жуда қадимдан буён бир қанча санъат турлари ривожланиб келган ва воҳа этномаданиятига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатган. Тожиклар моддий ҳаётида хунармандчилик турларининг ўрни ва аҳамияти юқори саналади. Хусусан, нафис санъат турларидан наққошлик ва заргарликнинг ҳилма-хил турлари кенг ривожланиб келган. Тожиклар маданий ҳаётида ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, терракот (куйдирилган сарғиш-қизил лойлар) ишлаш ҳунарлари, халқ каштачилиги хунармандчилиги соҳалари машҳур бўлган. Муаллифнинг таъкидлашларича, Самарқанд ва Бухоро тожик каштачиларининг маҳоратига тенг келадигани бўлмаган.

Самарқанд ва Бухоролик “Эроний”ларнинг тарихини ўрганган олим Ш.Тоҳтиев эронийларни “XX аср бошларида Эрондан келган муҳожирлар” деб атайди. Айнан шу даврда эронийлар Марказий Осиёда янги келган аҳолининг сезиларли ва ўсиб бораётган қатламини ташкил қилган. Уларнинг сони, айниқса, Эрон билан чегарадош ҳудудларда тез ортди. Масалан, Транскаспий минтақасида 18511 нафар эронлик яшаган. Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳар ва вилоятларида ҳам аҳолисининг салмоқли қисмини Эрондан келганлар ташкил этган. 1910 йилда Самарқандда 300 га яқин Эрон фуқаролари рўйхатга олинган бўлса, улардан ташқари бу ерда Россия империясига тобе бўлган форсларга тили ва динига яқин бўлган 16 мингдан ортиқ “эронийлар” яшаган. [11; 124-129-с.]

М.Вахабовнинг маълумот беришича, эронийлар ҳам ўзларини тожик деб аташган. Эронийлар ўзининг “тожик” номини ўзининг эски ватанидан олиб келиши мумкин эди. Маҳаллий аҳоли: «Мо тожикро ирониҳо мигуим», дейди. Бу эса таржимада: “Эронликларни тожик деймиз” деган маънони билдиради. Тожик халқи (шунигдек, ўзбеклар ҳам) IX-XI асрларда асосий хусусиятларда шаклланган. [4; 58-80-с.]

Ҳозирги кунда ҳам Самарқанд воҳасида эроний миллатига мансуб аҳолининг улуши (*23.288 нафар*) юқори саналади. Эронийларнинг катта қисми Самарқанд шахри (*21.732 нафар*) ва туманига (*1.395 нафар*) тӯғри келади. Қисман Пасдарғом туманининг А.Темур, Бўйтон, Фурқат, Гулакандоз, Пўлатчи ва Турон маҳаллаларида (*160 нафар*) яшаб келишмоқда.

### **Хулоса**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Самарқанд воҳасида қадимдан ривожланиб келган миллий хўжалик маданияти даврлар ўтиши билан ўзига хос этник урф-одатларни юзага келтирди. Бу миллий урф-одатлар бутун воҳа бўйлаб ҳозиргacha эъзозланиб, бугунги қунгача этник гуруҳлар ўртасида маданий яқинликни вужудга келтирди. Воҳа бўйлаб бир-биридан у даражада фарқ қилмайдиган хўжалик турлари ривожланди. Демак, Самарқанд воҳасида яшайдиган халқлар ва элатлар ўзаро жисплашиб, ягона ижтимоий ва маданий муҳитни шакллантириди.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент, 1992. – Б.36.
2. Байчоров С.Я. Этимология этнонима ас // Проблемы этимологии тюркских языков. -Алма-Ата, Гылым, 1990. -С. 279-289.

3. Баскаков Н.А. К вопросу о происхождении этнонима кыргыз // Советская этнография. – 1964. - №2. – С. 92-94.
4. Вахабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. – Т., 1961. – С.58-80.
5. Дониёров Х. Қипчоқ ўзбекларининг тарихи ва қипчоқ этноними ҳақида // Материалы XXIII научной конференции СамГУ. – Самарканд: 1966. – Б. 63-69.
6. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.87.
7. Жабборов И. Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.10.
8. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. -М., 1976. -С. 94.
9. Маманов А. Қўшработ тарихи. – Самарқанд, 2014. – Б.19.
10. Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. 1т. Часть 1. -Санкт-Петербург, 1893. - С.533.
11. Тохтиев Ш.Р. Краткая история самарканских и бухарских «Ирани». Вестник Челябинского государственного университета. 2012. № 33 (287). С. 124–129.
12. Турабов А.М. Самарқанд вилояти этноним ва этноийконимларининг таҳлили: фил. фан. ном. ... дис. Тошкент: 1999. – Б. 38.
13. Турабов А.М. Самарқанд вилояти этноним ва этноий..... – Б. 51.
14. Турабов А.М. Самарқанд вилояти этноним ва этноий.... – Б. 94.
15. Элмуродов Н. Зарафшон (Миёнқол) воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари. – Самарқанд, 2008. – Б.36.
16. Элмуродов Н. Зарафшон (Миёнқол) воҳаси... – Б. 51 – 53.
17. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – Б. 81.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

**№ S/2 (3) – 2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**  
Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
**Special Issue**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).